



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 26 октябрь, шанба

№85 (11.473)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида

Мамлакатда амалга ошириладиган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг гоё муҳим шартли сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларнинг "Камолот" ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, ноҳукумат жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат жисмо-

ний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан

хорижий ташкилотлар, уюшмалар, компания ва фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очиқ бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти ҳисобланади.

2. Қуйидагилар Жамғарманнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга қўмаклашиш;

болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгида спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлақати учун гурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

биринчи навбатда қишлоқ

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Венгрия Республикаси Президенти Ференц Мадл таклифига биноан 2002 йилнинг 27-29 октябрь кунлари расмий ташриф билан Венгрияда бўлади.

Ташриф давомида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш, шунингдек, қатор муҳим битимларни имзолаш режалаштирилмоқда.

АҚШнинг инсонпарварлик ёрдами

АҚШнинг "Физишэнс виз харт" ("Сидқидилдан қўмаклашувчи шифокорлар") ташкилоти жаҳоннинг кўпгина давлатларида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси билан ном чиқарган. Жумладан, сўнгги йиллар ичида МДХ давлатларининг ўзига қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналарни бегараз ёрдам сифатида етказиб берган.

Мазкур ташкилот яна бир хайрли ишни амалга оширди. Баҳоси 8 миллиондан ошди АҚШ долларига тенг юк ортилган самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Энг замонавий тиббий ускуналардан иборат бу галги ёрдам ана шундай тадбирларнинг учинчиси ҳисобланади. Шундай қилиб, 2002 йил давомида АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишга кўрсатиладиган инсонпарварлик ёрдамининг ҳажми жами 30 миллион долларга етди.

"Физишэнс виз харт"нинг ушбу юк билан бирга учиб келган эликдан зиёд мутахассиси шифокорлар ва ҳамширалар малақасини оширишга қўмаклашди, — деди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров. — Қисқа муддатда ташкил қилинадиган курсларда ўртача 500 ходимни тамомила янги дастур асосида ўқитиш режалаштирилган.

Озод РАЖАБОВ,
ЎЗА мухбири.

Вилоят фаоллари йиғилиши

Шу йилнинг 25 октябрь куни вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятининг 2002 йил январь-сентябрь ойларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда вилоятда истеъмол моллари ишлаб чиқариш, капитал қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, шунингдек, 2002-2003 йилнинг кузқиш даврига тайёргарликнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, бошқармалар, банк тизими раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, корхоналар, хўжаликлар, тадбиркорлик субъектлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими У. Мирзакулов бошқарди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари — иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев маъруза қилди. Маърузада таъкидланганидек, 2002 йилнинг тўққиз ойида вилоятда республика Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят фаоллари йиғилишларида белгиланган тадбирлар ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш,

халқ хўжалигининг барча соҳаларида ислохотларни чуқурлаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шу туфайли вилоятда ўтган даврда ялпи ички маҳсулот (3,5 фоиз), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (11,7 фоиз), чакана товар айланмаси (10,7 фоиз), аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш (6,6 фоиз) бўйича ўсиш таъминланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда вилоят республикада етакчи ўринга чиқди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларга шaroит яратиш, ялпи ички маҳсулотда уларнинг салмоғини ошириш юзасидан ижобий силжишга эришилди.

Шунингдек, вилоятда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ноқор корхоналарни тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, мулкчиликнинг бошқа шакллари-

да қайта ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳисобот даврида нақд пул эмиссияси ва бюджет даромадлари бўйича асосий кўрсаткичлар бажарилди. Ер, сув, энергетика ресурслари ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланиш юзасидан белгиланган тадбирлар бажарилмоқда.

Фаоллар йиғилишида вилоят ижтимоий ҳаёти ва иқтисодиётига тааллуқли бундай ижобий рақамлар кўп келтирилди. Айни вақтда йиғилиш иштирокчилари асосий эътиборни тармоқлардаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, энг муҳими фойдаланилмаётган ички имкониятларни ишга солиш зарурлигига қаратдилар. Бундай ресурслар эса шаҳар ва туманларда ҳали жуда кўп. Хусусан, вилоятнинг экспорт салоҳиятидан фойдаланиш суст бормоқда. Бу борада Ангрэн, Чирчик, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлик, Қибрай, Тошкент, Ўртачирчиқ туманларида қоқоқликка йўл қўйилди. Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка ва Пскент туманларида эса, экспортга умуман маҳсулот жўнатилмади. Шунингдек, хорижий инвестициялар иштироки-

(Давоми 2-бетда).

Илмий-амалий анжуман

Фанлар академиясининг "Физика-қуёш" илмий-ишлаб чиқариш Бирлашмасига қарашли Физика-техника институтида кристалл моддалар хусусиятлари ва қўлланиши масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиздаги ушбу йўналишда фаолият юритувчи илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасаларидан олимлар иштирок этди.

ЎЗА.

Шу сонга


УЧДАН ИККИСИ — УРУҒЛИК

Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари шу кунгача давлатга 1590 тоннага яқин сифатли хом ашё сотиб, шартнома режасини 103 фоизга бажардилар.

Ана шу пахтанинг 1000 тоннадан кўпроғи уруғлик учун қабул қилинди. Бу борадаги режа ҳам 125 фоиз қилиб адо этилди.

Гектаридан 32-35 центнердан хирмон кўтарган Меҳри Қаршибоева, Раъно Бойқўзиева, Адолат Эргашева каби илғор пудратчилар хўжалик аъзолари ютуғига, айниқса, катта улуш қўшдилар.

— Далаларда ҳали ҳосил мўл, — дейди бошқарув раиси Раҳимжон Ҳакимжонов. — Давлатга яна 200 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 32 центнерга, режани эса 120 фоизга етказиш имкониятимиз бор.



AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин. Севимли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га 2003 йил учун обуна бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади — Сиз келгуси йил давомида ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида

жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишни таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

худуд аҳолисининг зичлигини, спорт машғулотида жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг илмий асосланган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни татбиқ қилишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этиш, болалар спортини бўйича устозлар ва педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг маънасини ошириш борасида республика Миллий олимпия кўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазибаларни рўйбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташки-

лотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларни болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасига кенг кўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, мамлакат шаҳар ва туманларида Жамғарма бўлимларини очиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Куйидагилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

давлат бюджети (республика ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари;

Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия кўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган беғараз ёрдам;

хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятдан, шунингдек Жамғарма олдида қўйилган вазибаларни ҳал этиш мақсадида у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятдан олинган даромадлари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси:

ташқи иқтисодий ва халқаро спорт фаолиятини амалга ошириш, банкларда миллий ва хорижий валюталарда ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга;

унинг низомидаги мақсад ва вазибаларга қатъиян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари

бўйича барча турдаги солиқларни, божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно) ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йиғимларни тўлашдан озод қилинади.

Мулчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг, шунингдек жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши истисно этилади.

6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюмлар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятга кенг миқёсда кўмаклашиб, ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

7. "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирлашга ҳамда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонлари беришга номзодларни тақдим этиш чоғида Жамғарма Вазирлик кенгашининг фикри ҳал қилувчи деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб, мамлакатда болалар-ўсмирлар оммавий спортини ривожлантириш ишидаги ижобий тажрибани тарғиб қилсинлар, шунингдек Жамғарманинг фаол ҳомийлари ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватлашини, шу жумладан реклама қилинишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2002 йил 24 октябрь.

(Боши 1-бетда).

да ташкил этилган корхоналарнинг аксарияти самарали фаолият кўрсата олмаяпти. Бугунги кунда, 40та қўшма корхоналарнинг ишламаётганлиги бунга бир мисолдир. Янгийўл, Оҳангарон, Бекобод шаҳарлари, Бўстонлик, Пскент, Оққўрғон, Бекобод ва Бўка туманларида иқтисодиёт тармоқларига хорижий сармояларни жалб этиш ҳамон эътиборсиз қолимоқда. Бир қатор чора-тадбирлар кўрилатганлигига қарамастан жойларда зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг камайишига эришилмаяпти.

Йиғилишда булардан ташқари рақобатбардош истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, капитал қурилишда ислохотларни жадаллаштириш, объектларни давлат тасарруфидан чиқариш борасидаги камчилик ва нуқсонлар ҳам рўй-рост айтилиб, уларни бартараф этиш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур масала юзасидан вилоят иқтисодий ночор кор-

ғиси ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилатганлиги таъкидланди. Мавжуд электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқлари объектларининг асосий технологик ускуналари мукамал ва жорий таъмирланмоқда. Соғлиқни сақлаш, таълим ва уй-жой-коммунал хўжалиги объектларини қиш шароитида ишлашга тайёрлаш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин шу билан бирга айрим тармоқлар, шаҳар, туман ҳокимликлари, худудий комиссиялар томонидан иқтисодиёт тармоқларини 2002-2003 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш тадбирларининг бажарилиши тўлиқ таъминланмади. Шунинг учун ҳам 1 октябрь ҳолатига вилоятдаги қозонхона, уй-жой, иссиқлик, ичимлик суви тармоқлари, бино ва иншоотларни таъмирлаш ишлари 95 фоизга бажарилди. Айниқса, бу тадбирлар Ангрен шаҳри, Ўрта-

Вилоят фаоллари йиғилиши

хоналар ишлари бошқармаси бошлиғи О. Шарифхўжаев, «Сантехўйма» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Ш. Мусаев, Бекобод шаҳри ҳокими Ж. Насриддинов ахборот бердилар.

Шундан сўнг йиғилишда кун тартибидagi иккинчи масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда маъруза қилган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Асатов 2002 йилнинг тўққиз ойида вилоятда барча мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 147,0 миллиард сўмлик микдорда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, бу соҳадаги ўсиш суръати 110,7 фоизни ташкил этганлигини таъкидлади. Бир қатор корхоналарда янги, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, бу борада ҳам шаҳар, туманлардаги салоҳият ва мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланилганда рақамлар янада салмоқли бўлур эди. Хусусан, Ангрен, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлик ва Тошкент туманларидаги 21та корхонада истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сезиларли қоқликка йўл қўйилди.

Йиғилишда истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва ички бозорни тўлдириш борасида йўл қўйилган камчиликларни тузатиш ва мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланишни таъминлаш юзасидан тегишли котибият, бошқарма ва идораларга қатъий вазибалар юкланди.

Шу кунги фаоллар йиғилишида вилоят корхона, ташкилот, муассасалари ҳамда аҳоли турар-жойларини, ижтимоий-маданий объектларни қиш даврига тайёрлашнинг аҳоли ва бу борада қилиниши зарур бўлган ишлар, айниқса, чуқур ва атрофлича муҳокама этилди. Тўғри, вилоятнинг иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг табиий газ, мазут ёқил-

чирчиқ, Янгийўл, Чиноз туманларида қониқарсиз аҳволда. Аҳолининг коммунал хизматлардан бўлган дитборлик қарзларини камайитириш устида етарли иш қилинмаяпти. Ангрен, Чирчиқ, Олмалик шаҳарлари, Ўрта-Чирчиқ, Янгийўл, Зангиота туманларида қарзлар ҳамон ўсиб бормоқда. Шаҳар ва туманларда газ ҳисоблагичлар ўрнатиш борасидаги ишлар ҳам етарли ташкил этилмапти.

Мазкур саволлар юзасидан вилоят коммунал-фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи А. Аҳмедов, «Вилоятгазтаъминот» шўъба корхонаси раҳбари О. Саидов, Олмалик кон-металлургия комбинати бош директори ўринбосари Т. Топилов, Янгийўл шаҳри ҳокими З. Файзуллаевларнинг ахбороти тингланди.

Иқтисодиёт тармоқларини 2002-2003 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашда қоқликка йўл қўйилганлиги, ушбу масаладаги худудий ишчи комиссияларнинг фаолиятини етарли даражада мувофиқлаштиришни ташкил этмаганлиги ҳамда коммунал соҳадаги ислохотларни амалга оширишдаги камчиликларини учун бир қатор бирлашма, бошқарма раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари қатъий оғохлантирилдилар. Айни вақтда мазкур соҳадаги аҳволни барқарорлаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш, мактабгача болалар муассасалари, уй-жойлар ва барча корхона, ташкилотларни иссиқлик билан таъминлаш тизимларини куз-қиш даврига тайёрлаш юзасидан зудлик билан қўшимча чора-тадбирлар кўриш ва бу ишларни 1 ноябргача якунлаш вазифаси юклатилди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов сўзга чиқди.

(Боши 1-бетда).

Пахта – 2002



Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги пахтакорлари тумандагина эмас, вилоятда ҳам биринчилар қатори шартнома режасини бажаришга муваффақ бўлишди. Давлатга 1120 тонна сифатли хом ашё етказиб берган ширкат хўжалиги аъзолари умумий хирмонни 1300 тоннага етказишга аҳд қилишган.

СУРАТДА: хўжалик бошқаруви раиси Абдужаббор Тошметов илғор теримчи Мирсаид Восиев билан.

Даврон АХМАД олган сурат.

Ўзини ўзи бошқарув тажрибасидан



зишди. Маҳалла оқсоқолларининг кўрик-танловида Эркин ака совринли ўринларни эгаллади.

Биз ҳам бу тажриба билан қизиқиб, одамлар билан суҳбатлашдик. Фуқаролар олиб бориладиган ишлардан мамнун бўлиб сўзладилар. Аввало, идорадаги кўркамлик, саранжом-саришталик, орасталик кишини мамнун қилади. Хона ва залларни айланиб, шундай хулосага келасиз. Ҳар ер ҳар жойда чуқур маъноли, ҳикмат-

обрў ва эътиборли одамларнинг расмлари акс эттирилган. Махсус хонада эса маҳалла кексалари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ суратлар бор. Улар шу ерга келиб, суҳбатлашадилар, гурун қиладилар. Ниҳоят, «Хотира — эртанги кунимизни ёритувчи нур» сўзи тагидаги расмларда эса, бир вақтлар маҳаллада яшаб, ўзларининг меҳнатлари, оила туттишлари билан элга танилган хурматли инсонларнинг суратларини кўриб ўйга толасиз. Шу пайт идора эшиги

батлашдик.

«Маънавият ва маърифат» хонасида олиб бориладиган ишларни янада жонлантириш зарурлиги алоҳида тилга олинди. Эркин ака маҳалла дарсхонасида вақти-вақти билан таникли олимлар, раҳбарлар иштирокида тез-тез турли мавзуларда суҳбатлар бўлиб туришини, айниқса, Конституцияга оид суҳбатлар жонли тарзда ўтаётганлигини таъкидладилар.

Суҳбатдан мен шуни аналдимки, маҳаллада эскидан одат бўлиб қолган ва одамларни баъзида кўп ташвишга солиб қўядиган расм-русумлар барҳам топаётганлигини мисоллар билан айтиб бердилар. Хусусан, дадил айтиш мумкинки, ЗАГСларни ўтказишдаги дабдабозликка чек қўйилди. Лекин ҳали кўп иш қилишимиз керак. Хайит байрамида келинлар уч кун безатиғлик дастурхон устида тик оёқда туриб, меҳмон кутиши шартми? Аксарият ҳолларда биринчи кун таширф буюрган меҳмонлар иккинчи-учинчи кунни ҳам кириб келишаверади, бундан қандай мақсад бор, бу ҳақда ҳам биз жиддий ўйлаб кўрдик. Келинлар фақат бир кун давомида меҳмон кутишига эришмоқдамиз. Бундан ташқари келин томоннинг ҳам, куёв томоннинг ҳам эрта наҳорда ош бериши шартми? Бундай ошларга хонадонларга мутлақо алоқаси бўлмаганлар ҳам таширф буюраверишади. Ортиқча исрофгарчиликнинг нима кераги бор. Келажакни ўйлаб, замон билан ҳамнафас бўлиб, имкониятни ҳисобга олиб қадам ташласак, иш юритсак, қандай яхши бўлади.

Мен Навоий номли маҳаллада бу оддий фалсафага қатъий амал қилинган ҳолда иш юритаётганликларига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам улар эришаётган ютуқлар асослидир, шунинг учун ҳам фуқаролар ўз маҳаллаларидан фахрланиб яшашмоқдалар.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



СУРАТЛАРДА: маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раиси Тоҳира Тошматова, маҳалла оқсоқоли Эркин Фуломов ва унинг муовини Эргаш Маҳаматовлар навбатдаги ишлар ҳақида суҳбатлашмоқдалар. Маҳалла кутубхонаси доимо ёш китобхонлар билан гавжум. «Маҳалла жону-жаҳонимиз», деб айтишди маҳалла фуқаролари Суннат Мўминов ва Раҳматилла Ҳикматовлар.

«МАҲАЛЛАМИЗ — ФАХРИМИЗ»

деб айтишди Тошкент туманидаги Навоий номли маҳалла фуқаролари

Тошкент туманидаги бу маҳалланинг иш тажрибасидан ўртак олса арзийди. Бунда энг аввало, маҳалла кўмитасининг фаоллари ва уларнинг сардори Эркин ака Фуломовнинг хизматлари катта.

Иқтисод фанлари номзоди Эркин Фуломов узоқ йиллар Миллий университетда талабаларга иқтисод фанидан сабоқ берди, жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан ажралиб турди. Университетда чоп этиладиган «Иқтисодчи» газетасида аввал масъул котиб, муҳаррир ўринбосари, сўнг бош муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатди. У ҳалоллик, ростгўйлик ва покликни умрининг мазмуни деб билди. Илм ва ижод билан шуғулланишни астойдил давом эттириверди. Садоқатли олим фидойи инсон сифатида ана шу зайлда иш жойида ҳам, яшаш жойида ҳам эл-юртнинг хурматини қозонди. Бир-биридан ақли, ўқимишли орти фарзандни тарбиялаб вояга етказди, уйли-жойли қилди. Бугунги кунда у бир этак невараларнинг суюкли бобосидир.

Эркин домла нафақага чиққанидан сўнг ҳам тиниб-тинчиб, ўтирмади. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими бошлиғи, «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи сифатида ҳам муваффақият билан фаолият кўрсатди. Ташкилий ишларни жонлантирди. Тумандаги 24 та маҳаллада бошқарув идораси қурилишига қаттиқ курашди. Бунинг боиси бор эди. Эркин акани 1986 йили маҳалла кўмитасига раис қилиб сайлашганида идорадан номнишон йўқ эди. Албатта, маҳалланинг ўз идораси бўлиши шарт, деган масалани кўндаланг қўйди. Хўжалик раҳбарлари, фаоллар уни қўллаб-қувватлашди. Ташландиқ бўлиб ётган жойдан ер ажратиб беришди. Ҳашар йўли билан қисқа вақт ичида бино қад кўтарди. Энди маҳалла аҳлининг ўз оқсоқолларига меҳрлари орди, унга ҳар жиҳатдан кўмак бера бошладилар. Оқсоқол, айниқса, Охунбобоев номли шир-

кат хўжалиги раиси Искандар ака Фозиловнинг бевосита ёрдами, қўллаб-қувватлашдан миннатдор эди. Эркин ака олим эмасми, маҳаллани гуллаб-яшнатиш учун фаолларга таяниб, билими ва иқтидорини аямай меҳнат қиларди. У, айниқса, Юртбошимиз фармонлари, ҳукуватимиз қарорларининг моҳиятини маҳалла фуқароларининг онгига сингдириш ва шу йўл билан уларнинг жамиятда

ли, ибратли сўзлар катта ҳарфлар билан кўринарли ёзиб қўйибди.

— Бу гапларни қаердан олсангиз, — деб сўраймиз оқсоқолдан.

— Мақтаняпти демангу, мен кўп китоб ўқийман, — дейди Эркин ака. — Ўзимга ёққан ҳикматли сўзларни ён дафтаримга ёзиб қўяман. Вақти-соати келиб улар асқотади.

Биз идора хоналарини айла-



тутган ўринларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди.

Ташвиқот ишлари яхши самаралар бера бошлади. Қисқа вақт ичида маҳалла тумандагина эмас, вилоятдаги энг намунали маҳаллалар сафидан ўрин олди. Бу ерга тажриба ўрганиш учун вилоятдан, қўшни маҳаллалардан келадиган бўлишди. Ҳатто, хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмон бўлиб келишди. Бу маҳаллага икки марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидан олимлар келиб семинар ўтка-

нишда давом этамиз. «Намунали оилалар» деган ёзувга кўзимиз тушади. Расмларни томоша қилаётиб, беихтиёр оила ҳаётининг бош муроди ва мақсади болалар тарбиясида, бола тарбиясининг бош мактаби эса, эр-хотин, ота-она муносабатларининг самимий ва яхши бўлишидадир, деган фикрлар ёдга келади. Қўшни залга ўтамиз. «Ҳаёт чаманини гуллаб туривчи маҳалла аёллари» ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳалар ҳам бизда катта таассурот қолдирди. «Маҳалла жону-жаҳонимиз» кўргазмасида эса энг иззатли,

ҳаммадов, Бахтиёр Ўсаров сингари пудратчиларнинг ўзларига 2-2,5 тоннадан шולי қолди.

— Ўтган йили хўжалигимиз шолдан 2 миллион сўм соф даромад олган эди, — дейди бошқарув раиси Маъмуржон Каримов. — Бу йил эса 4 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда.

Туманда шולי ўрими жадал давом этмоқда. 850 тонналик хирмон уюш юзасидан тузилган шартнома режаси ҳадемай муваффақиятли бажарилади.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) «Янгийўл» хўжалигининг илғор ижарачиси Бахтиёр Облоберганов, бошқарув раиси Маъмуржон Каримов, бош пудратчи Тўхтасин Раҳмонов.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Янгийўл тумани:

ШОЛИ РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

Янгийўл тумани деҳқонлари давлатга шולי топшириш шартнома режасини ортиғи билан адо этдилар. Омборга 450 тоннага яқин шולי топширилди. Шу кунгача ўриб-янчилган ҳосил эса 550 тоннадан ошди.

Хўжаликнинг умумий хирмони-га «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги 215 тонна, «Ниезбош» хўжалиги эса 145 тонна шולי тўкиб, режанинг барвақт бажарилишига катта ҳисса қўшди.

Шартнома режасини туманда биринчи бўлиб бажарган «Янгийўл» хўжалигида эса ҳозиргача 90 тоннадан зиёд шולי тайёрланди. Ҳосилдорликда энг юқори кўрсаткичга эришган Хусан Му-

DUSHANBA

28

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига.

«Ўзбекистон» телеканал 28 октябрь кун

ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 «Олтин дала».

Пахтакорлар учун дам олиш дастури.

16.15 «Ошин». Телесериал.

16.45 ТВ анонс.

«Болалар сайёраси»:

16.50 1. «Улғайиш погоналари».

2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

17.50 ТВ клип.

18.00 Янгиликлар.

18.10 «Мулк».

18.25 «Тилга эътибор».

18.45 «Куйла, ёшлигим».

19.05 «Сиҳат-саломатлик».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Ватан мадҳи».

Шеърлий композиция.

20.30 «Ахборот».

21.05 Ўзбекистон халқ хофизлари. Очилхон Отахонов.

21.35 «Ўзбектефильм» тақдим этади: «Хуршида».

Телевизион бадий фильм премьераси. 1-қисм.

22.20 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».

22.40 «Ахборот-дайжест».

23.00 «Қушлар ҳақида

ҳақиқат». ҳужжатли сериал.

23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр тонги.

10.00 Янги авлод студияси: Болалар учун концерт.

10.20 Мультифильм.

10.35 Саломат бўлинг.

10.55 ТВ-анонс.

11.00 «Давр» ҳафта ичида.

11.30 Мусиқий лаҳзалар.

11.45 «Жан Кристоф».

Телесериал 1-қисм.

12.35 Давр-news.

12.50 Болалар эрани: «Пуф ёлгончилар мамлакатида».

Мультифильм.

13.15 Жар ёқасида.

13.30 Кўҳна оҳанглар.

13.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

Телесериал.

14.35 Автосалтанат.

14.50 Спорт ҳафтаномаси.

15.05 «Одам бўлмади».

Бадий фильм.

16.40 Кўрсатувлар тартиби.

16.45 «Янги авлод» почтаси.

17.05 «Покахонтас».

Мультисериал 11-қисм.

17.30 ТВ-анонс.

17.35 Муқаддас бурч.

17.55 Ёшлар овози.

18.25 Тафаккур ёлқинлари.

18.40 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 Бир ўлкаки.

20.10 Илдииз ва япроқ.

20.30 Ёшлик наволари.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.55 «Эсмералда».

Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

Танаффус пайтида.

23.55 Давр.

1.00-1.05 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал. «Гросс поинт». 16-қисм (яқунловчи).

17.40, 19.10, 21.50

«Экспресс» телегазетаси.

18.00 Болажонлар экрани.

«Астериксинг 12 жасорати». 7-серия.

18.30, 20.00, 21.10, 22.10

«Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».

19.30 «Спорт ва болалар».

19.45 «Жозиба».

20.30 ТТВда сериал.

«Азизим Изабелла».

21.30 «Auto-news».

22.30 Кинонигоҳ.

«Лигуридаги ҳалокат».

00.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30 - 9.00.

Туркия телевидениеси

17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроныос»

янгиликлари.

18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил».

19.00 «Мени кутгил».

20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?».

21.00-«Время».

21.30 Кинематограф: «Асрлар оша». Бадий фильм.

23.15 «Жонли табиат».

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».

24.00 «Ахборот» (рус тилида).

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 Шоу соати.

17.40, 20.45 «Телехамкор».

18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Сизни фуқаро Никонорова кутиб турибди».

19.30 «Ошиқона» мусиқий дастури.

19.45 «Элен кўзлари».

Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикнома.

21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Янги Алькатрос».

23.15 «30-канал» да спорт.

SESHANBA

29

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.40 «Соғлом она - соғлом бола».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Мулк».

10.20 «Мария, Мирабелла Транзисторияда». Бадий фильм.

11.30 «Бу ажиб фасл». Телевизорнах.

11.50 ТВ клип.

12.05 «Париси бор уй».

12.25 Болалар учун «Фламинго».

12.45, 15.55 ТВ анонс.

12.50 Эстрада тароналари.

13.15 «Ўзбектефильм» тақдим этади: «Хуршида».

Телевизион бадий фильм. 1-қисм.

14.10 «Дунёқараш».

14.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».

15.25 Мусиқий танаффус.

15.40 «Рангин дунё».

«Болалар сайёраси»:

16.00 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «Баркамол авлод орзуси».

18.30 «Инсон ва қонун».

18.50 «Соз сеҳри». А. Холтожиев.

19.10 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Солиқ ва биз».

21.20 «Ўзбектефильм» тақдим этади: «Хуршида».

Телевизион бадий фильм премьераси. 2-қисм.

22.05 XIV Осие Ўйинлари яқунларига доир.

22.25 «Қизлар давраси».

23.35 «Ахборот-дайжест».

23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 Давр.

9.15 «Янги авлод» почтаси.

9.35 «Покахонтас».

Мультисериал 11-қисм.

10.00 Мусиқий лаҳзалар.

10.10 ТВ-анонс.

10.15 «Эсмералда».

Телесериал.

10.45 Олов билан юзма-юз.

11.00 Жаҳон жуғрофияси.

11.50 Илдииз ва япроқ.

12.10 «Жан Кристоф».

Телесериал 2-қисм.

13.00 Ёшлар овози.

13.20 Интерфутбол.

15.00 Кўҳна оҳанглар.

15.10 «Шахарликлар».

Бадий фильм.

16.30 Кўрсатувлар тартиби.

16.35 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.

16.55 «Покахонтас».

Мультисериал 12-қисм.

17.20 ТВ-анонс.

17.25 Таянч.

17.45 Фазал соғинчи.

18.05 Автопатрул.

18.25 Ёшлар овози.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўҳна оҳанглар.

19.50 Давр-интервью.

20.05 Дийдор.

20.25 Муҳаббат қўшиқлари.

20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар.

20.50 «Эсмералда».

Телесериал.

21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.

21.30 Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига «Сохибки-

рон ватани». Видеофильм премьераси. 1-қисм.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Муҳаббат қаҳваси».

Телесериал.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут.

23.35 Давр.

23.50 «Ҳақиқат чегараси».

Сериал.

0.15 - 0.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал. «23,5 даражали бурчак остида».

1-серия.

17.45, 19.10, 22.00

«Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

«Астериксинг 12 жасорати». 8-серия.

18.30, 20.00, 21.10, 22.50

«Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Аёл - она, мураббий, раҳбар» телеклуби.

19.30 «Мумтоз наволар».

20.30 ТТВда сериал.

«Азизим Изабелла».

21.30 «Мушоҳада».

22.20 «Туризм ҳақида».

23.15 Кинонигоҳ. «Лужин химояси».

01.55-02.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

Биринчи канал 7.30-9.00.

Туркия телевидениеси

17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Вести».

18.05 «Евроныос» янгиликлари.

18.20 Е.Петросяниннинг кулгу панорамаси.

19.00 «Оилавий ришталар».

Сериал

20.00 «Сўнги қахрамон-2».

21.00 «Время».

21.40 «Кулгу хонаси».

22.20 «Кун мавзуси».

22.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

22.45 «Боярд форти».

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».

24.00 «Ахборот» (рус тилида).

00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.

9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор».

9.30, 14.10 Болалар соати.

10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал.

10.40 «Жанговар санъат олами».

11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал.

12.00 «Излаб тополмайсан».

Драма. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал.

15.00 «Домино принципи».

15.50 «30-канал» да спорт.

16.50 Шоу соати.

18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Муҳаббат ҳиссиётлари».

17.30 «Покахонтас». Мультсериал 14-қисм. 17.55 ТВ-анонс.
18.00 Кутқарув «050».
18.10 Муголаа.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 Бегойим.
20.25 «Ёр ишқи». Мусикий

дастур.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Эсмералда». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.

23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканалли
17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «23,5 даражали бурчак остида» 3-серия.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани. Астериксинг 12 жасорати». 10-серия.
18.30, 20.00, 21.10, 22.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Навиҳол».
19.25 «Камолот фасли».
19.45 «Эл хизматида».
20.30 ТТВда сериал. «Азизим Изабелла».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.20 «ТВ плюс».
23.15 Кинонигоҳ «Пойга» даражали бурчак остида. 00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим!
«Халқаро» телеканал
Биринчи канал 7.30-9.00. Туркия телевидениеси 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроныос» янгиликлари.
18.20 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
20.00 «Эзиф бўгин». Телеўйин.
21.00 «Время».
21.40 «Ишбилармон кишилар».
22.00 «Аншлаг».
22.45 «Форс-мажор».

23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!».
30-канал
9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Аёл нигоҳи». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Келгин».

ди аёл». Мелодрама. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесериал. 15.00 «Домино принципи». 15.50 «30-канал да спорт». 16.50 «Шоу соати». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Такрорий тўй». 19.30 «Ошикона». Мусикий дастур. 19.45 «Элен кўзлари». Телесериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабринома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Телбалик даражасида». 23.15 Спорт дастури.

JUMA
«Ўзбекистон» телеканалли
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси».
9.00 1.«Табиаат алифбоси».
2.«Бешбармоқ».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Йўқолган хазина». Бадий фильм.
11.30 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
11.50 Мусикий танаффус.
12.05 «Озода бўлса шаҳринг».
12.25 «Театр ва мусиқа».
12.45 «Олам». Телеальманах.
13.15 «Ўзбектеlevision» тақдим этади: «Хуршида». Телевизион

1
бадий фильм. 4-қисм.
14.10 «Санъат дўстлиқа чорлайди». «Сугдиёна» - Америкада.
14.35 Телемулоқот: «Қиш мавсумига тайёрмисиз?»
15.15 Кундузги сеанс: «Имконият». Бадий фильм.
16.30 «Аския».
«Болалар сайёраси»:
16.55 1.«Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2.«Кўшим - жон кўшим».
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 «Тафсилот».
18.40 Мусикий танаффус.
18.50 «Хаёт қомуси».
19.05 «Зиё» студияси намоиш этади: «Этиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сибёат оламида».
21.25 Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин» Телесериал премьераси.
21.55 «Кўшигимиз Сизга армуғон». М. Сатторова.
22.20 «Олтин бешик».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот-дайжест».
